Қорақалпоғистон

# МУДДАО — ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Президент Ислом Каримов ташаббуси билан белгилаб берилган машҳур бешта тамойилнинг энг муҳими аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, уларнинг аҳволидан доимо боҳабар бўлиб туриш бўлгани бежиз эмас. Ўйлаймизки, бу муҳофаза Қарияларни қадрлаш йилида янада кучайтирилади, янги босқичга кўтарилади.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги «2002-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, нафақахўр ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори ижтимоий ҳимоялашдаги ишончли, дадил қадам бўлди. Бу ҳужжатга асосан ёлғизларга ёрдам кўрсатишнинг таъсирчан механизми ишлаб чиқилди. Қарорни ҳаётга тадбиқ қилишда эса маҳалла, овул, фуқаролар йиғинлари кенгашлари, «Нуроний» жамғармаси, Қизил ярим ой жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари бевосита кўмак бермоқда.

Натижада ҳомий ташкилотлар, айниқса ҳиссадорлик жамиятларининг ижтимоий ҳимоядаги иштироки кучайди. Жумладан, «Олтин тола» корхонаси 12 нафар, «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти 15 нафар, «Нуроний» жамғармаси, «Элликқалъаматлубот», 20-автокорхона, ЭКОСАН жамғармаси 38 нафар қарияга моддий ёрдам берди. Ижтимоий таъминот бўлимида ҳисобда турувчи 14 ногиронга махсус аравача, 42 нафар ногиронга эса эшитиш аппарати, протез ва бошқа зарур жиҳозлар етказиб берилди. 88 нафар нафақахўр, ногиронлар эса мамлакатимизнинг марказий сиҳатгоҳларида саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди.

Туманимиз ҳудудида 36 нафар юз ёшдан ошган табаррук қария истиқомат қилади. Бўлимимиз ҳар доим уларнинг аҳволидан боҳабар бўлиб турибди.

Биз бундан кейин ҳам қарияларни қадрлашга, уларнинг дуоларини олишга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Бозорбой БЕКЧАНОВ,**
**Элликқалъа тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.**

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

Бухоро

# МЕҲНАТНИНГ ҲУЗУРИНИ КЎРАДИГАН КУН КЕЛДИ

**— дейди Жаббор бобо Сатторов**

***Юз билан юзлашай деб турган бу бобо Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номли кўчада истиқомат қилади. Табаррук ёшдаги отахон билан қизғин суҳбат қурдик.***

- Амирлик даврини элас-элас эслайман, - дейди Жаббор бобо. - Ўсмир эдим. Отам раҳматли эски Ғурбун қишлоғида деҳқончилик билан шуғулланарди. Томорқада сабзи, пиёз, бодринг етиштирардик, лекин барибир кун кечириш оғир эди. Деҳқоннинг ери бор эди-ю, ҳуқуқи ўзида эмасди. Амалдорлар арзимас баҳоналар билан деҳқонларни ҳақоратлашар, уришарди. Шу боис ҳам амирлик тузуми ағдарилгач, кўпчилик «Энди ҳаётимиз яхшиланади» деб ўйлашганди.

Аммо 20-30 йилларнинг бошида элимиз беҳад кулфатларга дучор бўлди. Ўзига тўқ деҳқонларнинг ери тортиб олингач, юртда очарчилик бошланди. Ишнинг кўзини биладиган деҳқон, деб қишлоғимиздагилар мени колхоз раислигига сайлашди. Ҳозирги «Соҳибкор» хўжалигининг биринчи раиси мен бўлганман.

Ўша оғир йиллар эсимга тушса, бугунги кунга шукрона айтаман.

**- Иккинчи жаҳон уруши даври ҳам ёдингиздадир.**

- Ҳа, машъум хабарни эшитганим ҳамон Ғурбундаги тепаликдан Бухоро шаҳрига тикилибман, денг. Қарасам, шаҳарда чироқлар ёниқ. Соддалик қурсин, уруш бўлса чироқлар ўчган бўлардида, деган хаёлга ҳам борганман.

Кўп ўтмай, шер йигитлар фронтга кетиб, қишлоқларимиз ҳувиллаб қолди. Йўқчилик бошланди. Жумаев деган ҳосилотимиз, Аминжон оғайним ҳам урушда бедарак кетишди. Халқимиз ўзи емай-ичмай фронт учун ишлади. Дала юмушлари аёлларга қолди. Хўжалик раиси сифатида одамларни очлик балосидан асраб қолиш вазифаси зиммамда эди. Бешкапа қишлоғида чарх йигиришни йўлга қўйдим. Кампирлар тинмай чарх йигиришар, тўқилган бўзни меҳнатчиларга иш ҳақи сифатида берардик. Хўжаликнинг беш минг қўй ва сигири бор эди. Сутини соғиб, ёғини давлатга топширардик, муҳтож оилаларгаям берардик. Ўша йиллари асал топшириш режаси йўқ эди. Шундан фойдаланиб асалари боққанимиз ҳам ёдимда. Уруш йилларида ҳар март ойида ҳамма хўжалик омборига келарди. Одамларга икки килодан 7 килогача асал берардик. Айнан шу пайтни танлаганимизнинг сабаби бор эди. Кўклам «илик узилди» бўлгани учун ҳам касалманд ёшлар ва кексаларни тетиклантиришга шу асал асқотарди.

**- Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтинг.**

- Турмуш ўртоғим раҳматли Марзияхон билан уч ўғилни вояга етказдик. Тўнғич фарзандим Бўривой ҳозир 67 ёшда. 20 набира, 15 абирам бор.

Илгарилари қўлимдан газета тушмасди. Кўзим хира тортиб ўқий олмай қолдим. Бўривойдан ҳар куни нима гап, деб сўрайман. Президентимиз бу йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганликларини ҳам шу ўғлимдан эшитиб билдим. Бу хушхабардан худди ёшаргандек бўлиб кетдим. Кошки, куч-қувват қайтса-ю, фермер бўлсам, лоақал бригадирлик қилсам, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшсам, дейман. Эндиликда меҳнатинг ҳузурини кўрадиган замон келди, ахир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Абдуҳалим ПРИМОВлар суҳбатлашишди.**



**— Ўзимизнинг кўк чойга етадигани йўқ-да...**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

**АҚШ президенти Ж.Буш яқинда конгрессга йўллаган мактубида мудофаа мақсадларига ажратиладиган маблағни янада оширишни сўраган. Мактубда кўрсатилган маблағнинг 40 млрд. доллари биологик урушга қарши олиб бориладиган мақсадлар учун сарфланиши кўзда тутилган. Бу маблағ ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга мўлжалланган кунларнинг маълум қисмини камайтириш ҳисобига амалга оширилади.**

***

Араб лигаси бошлиғи Амир Мусо Ироқ БМТ хавфсизлиги кенгаши вакиллари билан ҳеч қандай шартларсиз музокаралар олиб боришга рози эканлигини айтган. Бош котиб К.Ананд Ироқнинг бу қадамини маъқуллаган. Маълумки, Ироқ уч йилдан бери халқаро ҳамжамият вакилларини ўз территориясига киришларига розилик бермаётган эди. Унинг ҳозир бунга рози бўлишига АҚШ президенти Ж.Бушнинг бу мамлакатни ҳам хавфли давлатлар сирасига киритгани сабабдир.

***

**Йигирма йилдан ортиқ уруш гирдобида қолган афғонларнинг етти миллионга яқини шу кунларда халқаро ҳамжамият томонидан берилаётган инсонпарварлик ёрдамига муҳтож. Ажратилаётган озиқ-овқат, кийим бошларни узоқ ва тоғли районларга етказиш қийин бўлмоқда. Бериладиган ёрдамни олиш учун очликдан силласи қуриган одамлар бир икки кун пиёда юриб келишга мажбур бўлмоқдалар.**

***

Покистон президенти П.Мушарраф яқинда мамлакат мудофаа ходимларидан 26 нафарига икки юлдузли генераллик нишонини топширди. Булар орасида 1972 йилдан бери армиянинг тиббиёт қисмида хизмат қилаётган Шоҳида Малик исмли аёл ҳам бор. У Покистондаги биринчи аёл генералдир.

***

**Душанбада Тожикистондаги таниқли сиёсатчи Абдужалил Хомидов ва бошқа ўн киши устидан суд жараёни бошланди. 1992-1994 йиллар давомида икки марта Ленинобод ҳокимлигига сайланган А.Ҳомидов мамлакатнинг баъзи амалдорларига суиқасд уюштириш учун Сайфулла Азимов бошчилигида бир гуруҳ кишиларни пул эвазига ёллашда айбланмоқда. Унинг айби исботланса унга ўлим ёки умрбод қамоқ жазоси берилиши мумкин.**

***

Халқаро валюта фонди Туркияга мамлакат иқтисодини ривожлантириш учун яна 16 млрд. доллар ажратадиган бўлди. Шунда унинг қарзи 31 млрд.га етади.

***

**Кенияда бу мамлакат билан АҚШ алоҳида қўшинларининг биргаликдаги машқлари ўтказилмоқда. Ҳарбий машқларда АҚШнинг уч мингдан ортиқ аскари қатнашмоқда.**

# ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

***Ҳозир ҳамма жойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган Дастур асосида қарияларимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш, сиҳат-саломатликларини тиклаш, моддий ҳамда маънавий кўмак бериш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаяпти.***

Чортоқ туманида 9 та қишлоқ, 53 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларда 15 минг 166 нафар фахрий истиқомат қилади. Улардан 123 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 371 нафари ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қария. Уларга саховатпешалик қилиш учун корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, деҳқон-фермер ҳамда ширкат хўжаликлар бириктириб қўйилган.

Ўтган йили ана шундай саховатпешалардан туман «Қишлоққимётаъминот» ташкилоти раҳбари Ёқубжон Деҳқонбоев Навоий номли маҳаллада яшовчи қаровчисиз онахон Сожидахон Бедабоеванинг уйини сифатли таъмирлаб берган бўлса, тадбиркор Равшанжон Йўлдошев кам таъминланган оилалардан Онахон Акромова, Лолахон Акромоваларнинг уйини газлаштиришга кўмаклашган. Деҳқон-фермер Абдулло Нишонов боқувчиси йўқ, ёлғиз қарияларга 50 минг сўмлик турли хил маҳсулотларни ҳамда Ҳайит байрамида 5 нафар ёрдамга муҳтожларга 3 минг сўмдан пул ҳадя қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ширкат хўжаликларида кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Ўтган йили «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларига 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, ногирон болалардан 10 нафари махсус аравача билан таъминланган. Ана шундай хайрли, савобли ишда, озиқ-овқат савдо ташкилоти, «Фарғона», «Мустақилликнинг 5 йиллиги», Пешкўрғон, Навоий номли ширкат хўжаликлари, Чортоқ шаҳридаги Зафар Диёр номли, Бўлон, Ором, Бешкепа, Наманган, тумандаги Янгиобод, Наврўз, Тинчлик, Гулшан маҳаллалари, Алихон, Пешкўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ва бошқалар ибрати диққатга сазовордир.

Туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтган йили мавжуд қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида маҳалланинг «Энг ибратли оиласи», «Энг ибратли оқсоқол» кўрик-танлови ўтказилди.

- Юртбошимизнинг «Биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримизнинг, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим» деган сўзларини дилимизга жо қилиб, кексаларимизни ҳурматлаб, эъзозласак, уларнинг дуосини олсак, жонажон Ватанимиз равнақи, гуллаб-яшнаши, йилимиз барокатли бўлишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз, - дейди туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раисаси Хосиятхон Шарифбоева. - Бу биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ,**
**меҳнат фахрийси.**



**Юртимиз оқликка бурканди**

Самарқанд

Воқеа

# ДОНОЛИК ИШ БЕРДИ

***Халқимиз ёши улуғ кишиларга ҳамма вақт иззат-ҳурмат кўрсатиб келган. Фарзандларимизни уларнинг ёнларида бўлиб, панд-насиҳатларини олишга ундаймиз. Маҳалладаги маъракалар бошида ҳам қарияларимиз турадилар.***

Булунғур туманидаги Амир Темур номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусалом ака ҳам оилалар тотувлигини сақлашдек яхши ишларга бош-қош бўлаётир.

- Баъзида биргина ўйламай босилган қадам оила ҳаётини остин-устин қилиб юборади,- дейди у. Яқинда маҳаллаларимиздан биридаги икки оила ўртасида низо чиқди. Аслида уларнинг ўғиллари арзимас сабаб билан жанжаллашган. Ишга ҳуқуқ тартибот идораси аралашди. Кутилмаганда бу ҳодиса шу қадар салбий тус олдики, тезда чора кўрилиши зарур бўлиб қолди. Ҳар қалай, иш судгача бориб етмади. Маҳалла оқсоқоллари иккала хонадон соҳиблари билан суҳбатлашдик. Адоватни тўхтатишни, муроса қилишни, ярашишни талаб қилдик. Ҳар иккаласи ҳам ҳуқуқ органларидан даъво аризаларини қайтариб олишга рози бўлишди. Шу жанжал сабаб, турмуши бузилишига бир бахя қолган ёш оила қайта тикланди. Бу икки ёшнинг кўзларидаги қувончни бир кўрсангиз эди! Чунки бу ёш оила шу икки хонадон ёшларидан ташкил топган эди-да.

**Салоҳиддин САНАҚУЛОВ.**

Таклиф

# МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ ҲАРАКАТДА БИРЛАШСА

***Республика ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари сафида кўплаб ёшлар фаолият кўрсатмоқда.***

Улар асосан мактаб, лицей, коллежлар ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ташкилот ва муассасалардаги йигит-қизлардан иборат. Демоқчимизки, ушбу ҳаракат сафида маҳалла ва қишлоқларда яшовчи ёшлар жуда озчиликни ташкил этади. Агар бу ёшлар ҳам бошланғич ҳаракат сафида бирлашишса борми, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммолар йигит-қизларнинг саъй-ҳаракати билан ўз ечимини топармиди? Бу борада маҳалла етакчиси фидойилик кўрсатиши керак. Умуман олганда, маҳалла ва қишлоқлар ёшлари ўртасидаги кўпгина зарарли иллатларнинг барҳам топишида ана шу бошланғич ташкилот ҳам етарлича ҳисса қўшган бўларди, менимча.

**Одил САРМОНОВ.**

Маҳалламиз жонкуярлари

***Абраҳмат Тошмиров Олтинсой туман фермерлар уюшмаси ваколатли директори. Иқтисодчи олимга илгари ҳам кўпгина масъул вазифалар муносиб кўрилган эди. Барини эплади. Фермерлик уюшмасига ишга келганига уч йилдан ошди. Бу ердаги ишлари ҳам жойида.***

# ХЎЖАСОАТДА САХОВАТЛИ «БОҒБОН»

Бугунга келиб, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёздирилган, ўзининг афзалликларини кўрсатмоқда. Ҳозир уларнинг сони 96 та. Аъзолари эса 718 киши. Ҳозир фермерларнинг 33 таси чорвачилик билан машғул. 31 фермер мева ва узум етиштирса, 32 таси пахтадан тоғ-тоғ хирмон яратади. Ер етарли, 2861 гектар. Абраҳмат Тошмиров эса ҳар куни улар билан бирга. Ҳамқадам, ҳамнафас. Мана, бугун ҳам уни Маҳмадамин Қорабоев раҳбарлик қилаётган «Боғбон» фермер хўжалиги токзорларидан топдик.

Маҳмадамин аканинг асл касби муҳосиблик. Қарийб йигирма йил ҳисобчи бўлди, бригадирлик қилди. Кейинчалик эса боғбончилик билан шуғулланди. Мустақиллик йилларида фемерлик ҳаракатига йўл очилгач, унга биринчилар қаторида қўшилди. 1992 йили фермер хўжалиги тузди. Хўжасоат массивидаги 29,7 гектар ташландиқ, хароба токзорни ижарага олди. Оиласи Менгтош Қорабоева, беш ўғил, икки қизи унинг қайрилмас қанотлари бўлди. Ёнида турди.

Қаровсиз ётганлигидан айтарли ҳосил бермайдиган токзорга қайта жон ато этилди. Кўркам бир боғ вужудга келди. 1991 йил бу токзорда ҳосилдорлик атиги 35 центнер бўлган бўлса, ҳозир ҳар йили гектаридан 87 центнердан ширин-шакар узум йиғиб олинмоқда. Тонналаб хушхўр майиз тайёрланмоқда.

Режаларнинг бажарилиши фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширмоқда. Олтинсойда иқтисодий бақувват фермер хўжалиги ҳақида гап кетса, албатта «Боғбон» тилга олинади. Ўтган йили ялпи даромад 10 миллион сўмга етди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи ошди. Фермер фойда ҳисобидан, бир ҳайдов, икки ғилдиракли юк тракторлари харид қилди. Ўзининг пайвандлаш ускунасига, токларни кимёвий ишлов бериш анжомларига эга бўлди.

- Маҳмадамин ака Қорабоев умридан барака топсин, - дейди маҳалла оқсоқоли, - бизнинг ҳам кам-кўстимизни битказяпти. Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга, бетобларга мададкор бўлаяпти. Маҳалладаги С.Раҳимов номли 43-ўрта мактабни таъмирлашга 200 минг сўм ажратди.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

# ОРОЛБЎЙИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ШИФОХОНА

***Қорақалпоғистон Республикасининг экологик қийин бўлган зонасида аҳоли саломатлигини сақлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Нукусда Оролбўйи ҳудудидаги энг йирик шифохонанинг фойдаланишга топширилиши бу фикрнинг ёрқин далилидир.***

«Қорақалпоқсозлашқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг махсус жамоалари Нукус тезкор тиббий марказини қисқа муддатда сифатли қилиб қуриб берди. Ҳозир янги шифо масканига Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларидан келган беморлар дардларига даво топа бошладилар. Уларга 16 бўлимдаги мингга яқин тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатаяпти. Икки юз эллик ўринли бу марказда бир фан доктори, беш нафар фан номзоди ва юзлаб малакали врачлар, ҳамширалар беморларга беминнат хизмат кўрсатаётир. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар бериб қўйилгани боис ҳар бир беморга аниқ ташхис қўйиш, муолажа ишларини тезкорлик билан бошлаб юбориш имконини туғдирди.

Ҳозир Қорақалпоғистон Республикасининг энг олис овулларида бешта қишлоқ врачлик пункти қурилаётгани ҳам аҳоли соғлигини сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатишга катта эътибор берилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

**Асилбек ИСКАНДАРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**
**Нукус шаҳри.**

